



128

Samarqand viloyati, Samarqand tumani, Gulobod qo'rg'oni.  
Tel.: +998(366) 612-55-31, faks: +998(366) 612-55-90

140300, село Гулабод, Самаркандского района, Самаркандской области  
Тел.: +998(366) 612-55-31, факс: +998(366) 612-55-90

2016-й.г. «8» январь

№ 33-К

**“Даштакиболо” кишлоқ фуқаролар йиғини “Гулобод” кўрғонида  
фуқаро Норбеков Дониёр Мирбоевичга акфа ромлари йиғиш цехи  
қуриш учун ер майдони ажратиш тўғрисида**

“Кулбаипоён” кишлоқ фуқаролар йиғини “Андижони” маҳалласида яшовчи фуқаро Норбеков Дониёр Мирбоевич туман ҳокими номига “Даштакиболо” кишлоқ фуқаролар йиғини “Гулобод” кўрғони худудидан акфа ромлари йиғиш цехи қуришга ер майдони ажратишни сўраб ёзган аризаси, туман ер танлаш хайъатининг тузган далолатномаси, “Самфуқаролойиҳа” масъулияти чекланган жамиятини 2015 йил 29 декабрдаги 39 сонли хулосаси, вилоят табиатни муҳофаза қилиш кўмитасининг Давлат экологик экспертизаси хулосаси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 26-февралдаги “Шахарсозлик фаолиятини амалга ошириш ва кишлоқ хўжалигига оид бўлмаган эҳтиёжлар учун ер участкаларини бериш тартибини тубдан соддалаштириш чора тадбирлари тўғрисида”ги 54-сонли ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 20 августдаги 357 сонли “Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш учун рўйхатдан ўтказиш тартиботлари тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги қарорлари Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий Давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6-моддасига асосан

**Қ А Р О Р      Қ И Л А М А Н :**

1. “Кулбаипоён” кишлоқ фуқаролар йиғини “Андижони” маҳалласида яшовчи фуқаро Норбеков Дониёр Мирбоевичга “Даштакиболо” кишлоқ фуқаролар йиғини “Гулобод” кўрғони бош режасидан акфа ромлари йиғиш цехи қуриш учун 0.20 га кишлоқ хўжалигида фойдаланмайдиган туман захира ерлари ҳисобидан ер майдони ажратиш ҳақидаги туман ер танлаш хайъатининг тузган далолатномаси тасдиқлансин.

2. Фуқаро Норбеков Дониёр Мирбоевичга акфа ромлари йиғиш цехини қуришдан олдин қатъий равишда Ўзбекистон Республикаси “Шахарсозлик кодекси”нинг 8, 39, 54 моддаларига амал қилган ҳолда архитектура талаблари топшириғи (АРТ), лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаб Давлат қурилиши экспертизаси рўйхатидан ўтказиш вазифаси юклатилсин.